



Муборак касб хунара  
мактаб директори  
А.Ю. Курбонов  
2022 йил

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

## Муборак шаҳар 2022 йил

### Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22-апрелдаги ЎРҚ-684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисидаги” қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви Миллий агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги тартиби асосида ишлаб чиқилди.

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1 Муборак касб хунар мактаби томонида 2022 йил учун тасдиқланган харажатлар сметасида 2021-2022 йилги укув режасига асосан хом-ашё ва материаллар олиш.
- 1.2 Танловнинг юқори қиймати хом-ашё олиш учун 13 485 000 (Уч уч миллион тўрт юз саксон беш минг) сум. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди.
- 1.3. Махсулот бўйича техник топшириқ танлов ҳужжатларинг техник қисмида илова қилинган.
- 1.4. Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиккан «Бажарувчи» билан шартнома тузилади.
- 1.5. Ишларни бажариш муддати: Голиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб белгиланган график бўйича
- 1.6 Ишларни бошлаш муддати: Аванс маблағлари ўтказилган кундан бошланади.

### 2. Танлов ташкилотчилари

2.1 Муборак касб хунар мактаби (бундан кейин – «Буюртмачи» деб аталади – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили: Муборак туман Ёшлик мфй

Елек/адрес: [muborak-sanoat@inbox.uz](mailto:muborak-sanoat@inbox.uz)

Танлов «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. Танлов Иштирокчилари

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар шу мазмунда хизмат курсатишга ихтисослашган қамида 2 йил тажрибага эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловга иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади: танлов предмети қийматининг қамида 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қарзидан, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги; шартнома тузиш юзасидан фуқоралик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги
- 3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликда биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4 Қайта ташкил этилиш, тугатиш, ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулкни мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик қилишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган

бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий карамлиги мавжуд булмаганларга рухсат этилади.

#### **4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни такдим этиш.**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz.) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қўйидагилар такдим этилиши лозим:

- техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда такдим этилишлари лозим.

4.4. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати ( калькуляция ёки лойиха-смета хужжатлари ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади):

4.5. Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериш мумкин;
- Такдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобган бўлади;
- Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. Таклифларни такдим этиш муддатини узайтириш**

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааллуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиш қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши мумкин.

#### **6. Томонларнинг жавобгарлиги**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **7. Бошқа шартлар**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда

таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2. танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қондаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кун давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қондаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танловнатижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Тогаев Жамол Шавкатович

Норбоев Уринбой Сафарович

Сайитгулиев Назаргули

Рузиева Санобар

Салаидинова Дилрухсора